ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШКУВАТОВ ЗАЙНИДИН КАРИМОВИЧ

СИНГУЛЯР ВА ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН АВТОМАТИК КВАДРАТУР СХЕМАСИ ВА ГОМОТОПИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛИ

01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика (физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

УДК: 519.64

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШКУВАТОВ ЗАЙНИДИН КАРИМОВИЧ

СИНГУЛЯР ВА ИНТЕГРО-ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР УЧУН АВТОМАТИК КВАДРАТУР СХЕМАСИ ВА ГОМОТОПИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛИ

**01.01.03 – Ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/FM194 рақам билан рўйхатга олинган

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Миллий университети (ЎзМУ, Ўзбекистон) да ва Малайзия Теренггану университети (UMT, Малайзия) да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус(резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «ZIYONET» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:	**Алоев Рахматилло Джураевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Бойков Илья Владимирович** физика-математика фанлари доктори, профессор (Россия)
	Бердышев Абдумаувлен Сулейманович физика-математика фанлари доктори, профессор (Қозоғистон)
	Ҳаётов Абдулло Раҳмонович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети**

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг «_____»__________ 2022 йил соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Докторлик диссертацияси билан Ўзбекистон Миллий Университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24)

Диссертация автореферати 2022 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2022йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

М. М. Арипов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

З.Р. Рахмонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м.ф.д.

Х.М.Шадиметов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
ҳузуридаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида турли тартибдаги сингуляр интеграллар ва интеграл тенгламаларни сонли ечиш учун квадратур формулалар қуриш, ярим аналитик усуллар ишлаб чиқиш ва уларни тадқиқ этиш долзарб ҳисобланиб, аэродинамика, гидродинамика, электрон оптика, тўлқин тарқалиши ва суюқликлар механикаси каби соҳалардаги масалаларни ечишда кенг қўлланилади. Бу соҳалардаги қатор жараёнларнинг математик моделлари классик бўлмаган муайян сингуляр интеграллар ва гиперсингуляр интеграллар билан ифодаланиб, уларнинг аналитик ечимини топиш мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли, чегараланган ёки чегараланмаган соҳаларда регуляр ва сингуляр интегралларни сонли ҳисоблаш учун самарали ва юқори аниқликдаги квадратур формулаларни қуриш ҳамда турли тартибдаги сингуляр интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш усулларини ишлаб чиқиш ҳисоблаш математикасининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда акустика, суюқликлар механикаси, эластиклик, аэродинамика, гидродинамика ва синиш механикаси каби соҳаларга замонавий технологияларни жорий этиш, хусусан, илмий-техник имкониятлар суръатини ошириш, сингуляр интеграллар ва гиперсингуляр интегралларни ҳисоблашда интерполяцион типдаги юқори аниқликка эга бўлган квадратур формулаларни қуриш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада сингуляр ва гиперсингуляр интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун самарали квадратур формулалар қуриш, силлиқ функциялар фазоси ва вазнли Гильберт фазоларида квадратур формуланинг хатолигини баҳолаш муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли, ночизиқли ва каср тартибли интегро-дифференциал тенгламаларни ечишнинг янги алгоритмларини ишлаб чиқиш, шу билан бирга ночизиқли интегро-дифференциал тенгламалар ечимининг мавжудлиги ва ягоналигини текшириш ҳамда турғун ҳисоблаш алгоритмларини яратиш ва уларнинг яқинлашувини таъминлаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган эластиклик назарияси, квант механикаси, аэродинамика, электрон оптика, тўлқин тарқалиши ва суюқликлар механикаси масалаларининг сонли-аналитик ечиш усулларини ишлаб чиқиш каби долзарб йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, квазичизиқли гиперболик системалар учун адекват ҳисоблаш моделларини қуриш бўйича муҳим натижаларга эришилди. «Функционал анализ, алгебра, дифференциал тенгламалар, математик физика, математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва дискрет математика » устувор йўналишлар бўйича халқаро стандартлар даражасидаги илмий изланишлар олиб бориш ЎзР ФА В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади[1]. Қарор ижросини таъминлашда ночизиқли интеграл тенгламалар системаси ва кўп

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий - тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон қарори.

ўлчовли интеграл тенгламаларни ечиш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва ечимнинг ягоналигини исботлаш ҳамда турғун ҳисоблаш алгоритмларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2].

Вазнли сингуляр интегралларнинг сонли ечимини ҳисоблаш ва турли типдаги интеграл тенгламаларнинг тақрибий ечимини топиш, турғунлигини текшириш ва яқинлашишини таъминлаш бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида жумладан; Россия Фанлар Академиясининг С.Л.Соболев номидаги Математика институти, Г.И.Марчук номидаги ҳисоблаш Математикаси институти, Пенза давлат университети (Россия), Сербия Фанлар ва санъат академиясининг Математика институти (Сербия), Ўзбекистон Фанлар академияси, В.И.Романовский номидаги Математика институти, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети (Ўзбекистон), Корея фан ва технология институтининг Мия фанлари институти (Жанубий Корея), Мериленд университетининг Математика институти, (Вашингтон, АҚШ), Гарвард университетининг Математика кафедраси (Кембриж, АҚШ), Фукуи университетининг Математика кафедраси (Япония), Токио университетининг Математика ва информатика маркази (Япония), Эрон фан ва технология университети, Фундаментал фанлар тадқиқоти институти (Эрон), Малайзия технология университети, Путра Малайзия университетининг Математик тадқиқотлар институти, Малая университетининг Математика фанлари институти

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар: Journal of Approximation Theory, Applied Mathematics and Computation, Applied Mathematics Letters, Applied Numerical Mathematics, Journal of Computational and Applied Mathematics, Numerical Algorithms, Journal of Integral Equations and Applications, SIAM Journal on Numerical Analysis (SINUM), BIT Numerical Mathematics, Сибирский журнал вычислительной математики, Журнал вычислительной математики и математической физики, манбалар асосида ишлаб чиқилган.

(Малайзия), Ҳиндистон фан институтининг физика-математика фанлари бўлими, Алигарҳ муслим университети (Ҳиндистон) ва бошқаларда олиб борилмоқда.

Коши типидаги сингуляр интеграллар ва Адамар типидаги гиперсингулар интегралларни тақрибий ҳисоблашнинг эффектив усуллари ва уларнинг хатолигини баҳолаш бўйича бир қатор муҳим илмий натижалар олинган: сингуляр интеграл тенгламларни ечиш учун дискрет уюрмали метод ишлаб чиқилган ва бу метод билан юқори ўлчовли сингуляр интеграл тенгламларнинг ечими олинган (Москва давлат университети, Россия); умумлашган ҳаво плёнкаси (airfoil) тенгламасини ечиш учун тезкор алгоритм (квадратур формула) қурилган ва оптимал яқинлашиш тартиби аниқланган (Чемниз техника университети, Германия); Бернштейн полиномлари асос қилиб олган ҳолда интеграл тенгламаларнинг айрим синфлари (иккинчи турдаги Фредгольм сингуляр интеграл тенгламалар, характеристик ГСИТлар ва иккинчи турдаги ГСИТлар)нинг тақрибий сонли ечимлари топилган (Ҳиндистон статистика институти, Ҳиндистон); бир ўлчовли ГСИТлар, ярим-ГСИТ ва биринчи турдаги кўп ўлчовли ГСИТларни ечиш учун сплайн-коллокация усули таклиф қилинган ва у асосланган (Пенза давлат университети, Россия); биринчи турдаги ГСИларни ечиш учун модификацияланган гомотопия силжитиш усули (ГСУ) таклиф қилинган, таклиф этилган усул стандарт ГСУ билан таққосланган ва модификацияланган ГСУнинг тез яқинлашиши ҳамда аниқ ечимларни бериши кўрсатилган, таклиф қилинган усул тебраниш ва фаол назорат масаласига қўлланилган (Islamic Azad University, Эрон); интеграл тенгламалар учун дискрет проекциялаш усуллари ишлаб чиқилган ва кўп турдаги (регуляр, сингуляр ва гиперсингуляр) тенгламаларга қўллаб хатоликларни баҳолаш формаси ишлаб чиқилган (Доира Университети, АҚШ); Коши типидаги сингуляр интеграллар учун оптимал квадратур формула қурилган, Соболев фазосида хатолик баҳолаб, таклиф этилган методнинг яқинлашиш исбот қилинган (ЎзРФА, Математика институти).

Дунёда сингуляр ва гиперсингуляр интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун самарали квадратур формулалар қуриш, силлиқ функциялар фазоси ва вазнли Гильберт фазоларида квадратур формуланинг хатолигини баҳолаш бўйича қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан, сингуляр ва гиперсингуляр, интеграл ва интегро-дифференциал тенгламалар, ночизиқли интеграл тенгламалар системаси ва кўп ўлчовли интеграл тенгламалар ҳамда ночизиқли ва каср тартибли интеграл тенгламаларни тақрибий ечишнинг эффектив усулларини яратиш, турли функционал фазоларда уларнинг яқинлашишини таъминлаш, ечим мавжудлиги ва ягоналигини текшириш, янги турғун ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва уларнинг яқинлашишини таъминлаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Назарий ва амалий математикада энг муҳим математик воситалардан бири биринчи ва иккинчи тартибли сингуляр операторлар мавзусидир. 20-аср ўрталарида (1950 йиллар)

Коши типидаги бош қийматли интеграллар ва (1970 йиллар) Адамар типидаги СИлар яни ГСИларни сонли баҳолашга алоҳида эътибор берилди. СИларни ва ГСИларни тақрибий яқинлаштириш бўйича адабиётларда кўплаб муҳим натижаларга эришилди. Хусусан, вазнли Коши типидаги сингуляр интегралларни ва гиперсингуляр интегралларни тақрибий ҳисоблаш учун квадратур формулалар (КФ), оптимал КФлар, сплайн функциялар ёрдамида қурилган КФлар ва модификацияланган Симпсон қоидалари билан яқинлаштириш ва турли синфларда баҳолаш ишлари И.М.Лонгман, С.Э.Стеварт, Р.Пиессенс, Д.Б.Ҳунтер, Д.Ф.Пагет, Д.Эллиотт, Д.Г.Саникидзе, М.М.Чавла, Ш.Кумар, Т.Р.Рамакришнан, Н.И.Иоакимидис, Г.Монегато, П.С.Цеокарис, С.Л.Соболев, И.В.Бойков, А.И.Бойкова, А.Н.Тунда, С.Дагнино, П.Ламберти, Э.Санти, С.Амари, К.Диетселм, Т.Ҳасегава, Т.Тории, М.И.Исроилов, Х.М.Шадиметов, А.Р.Ҳаётов, З.К.Эшкуватов, С.А.Бахромов, Д.М.Ахмедов, Ҳ.Р.Кутт, Г.Монегато, Э.Лутз, П.А.Мартин, Ф.Ж.Риззо, И.К.Лифанов, А.С.Ненашев, Л.Н.Полтавскии, Ф.Ким, С.Й.Ҳуи, Д.Шиа, Самко, Й.Ш.Чан, Б.Ф.Фенг, З.Зҳанг, Й.Ш.Чан, Г.Ҳ.Паулино, А.Сиди ва бошқалар, каби илмий мақолаларда батафсил ёритилган. Масон ва Ҳандскомб монографиясида, Чебышев кўпҳадларининг барча турларининг батафсил хоссалари ва уларнинг қолдиқ ҳадлари берилган.

СИТлар, айниқса ГСИТлар ҳозирда чизиқли бўлмаган математик моделларнинг кенг доираларида, хусусан, математик физиканинг аралаш чегаравий муаммолари, изотропик эластик, суюқликлар механикаси, эластиклик ва синиш механикасида учрайди. Сўнгги бир неча ўн йилликларда адабиётларда СИТлар ва ГСИТларни сонли ечиш усулларининг кенг доираси ишлаб чиқилган. Хусусан, бир қанча монографиялар: Н.И.Мусхелишвили, Ф.Д.Гаҳов, Ф.Эрдоген ва б., С.М. Белоцерковский ва И.К. Лифанов, М.А.Голберг, Б.Н.Мандал ва А.Чакрабарти томонидан чоп этилган бўлиб, бу соҳаларда кўплаб мақолалар ҳам нашр этилган, жумладан, Б.Н.Мандал, С.Бҳаттачаря, Г.Ҳ.Бера, А.Чакрабарти, П.А.Мартин, Ф.Ж.Риззо, Г.Монегато, С.Мондал, Б.Н.Мандал, Р.Новин, И.К.Лифанов, И.Э.Полонскии, Э.Г.Ладополос, Л.Н.Полтавскии, А.С.Ненашев, Г.М.Ваиникко, М.Ҳ.Салеҳ, С.М.Амер, М.А.Абдоу, А.А.Насер, Р.П.Сривастав, И.В.Бойков, А.И.Бойкова, В.А. Роуднев, З.К.Эшкуватов, Э.С.Венцел, Ҳ.Чай, З.Занг, С.Банержеа, З.Чен, Й.Ф.Зоу, Ҳ.Фенг, Х.Занг, ва бошқалар шулар жумаласидандир.

Маълумки, чизиқли бўлмаган ҳодисалар фан оламининг кўпгина илмий соҳаларида учрайди. Хусусан физика, муҳандислик ва фан соҳаларидаги кўплаб муаммолар чизиқли бўлмаган ИДТлар билан моделлаштирилади ва ночизиқли ИДТнинг аналитик ечими камдан-кам ҳолатларда топилади. Олинган чизиқли бўлмаган ИДТларни кўпгина сонли усуллар билан ечиш мумкин ва бу йўналишда кўплаб илмий мақолалар чоп этилган ва чоп этилмоқда. Бу соҳада жавлон урган олимлар: А.Вазваз, С.Аббасбандий, К.Малекнежад, И.Подлубний, С.Ж.Лиао, Ж.Ҳ.Ҳе, Э.Баболиан, А.С. Батайнеҳ, М.С.М. Ноорани, З.Аяти, Ж.Биазар, К.Ал-Кҳалед, А.Авудаинаягам, М.Деҳган, Ф.Шакери, С.М.Эл-Саед, М.Р.Абдел-Азиз, А.Голбабай, М.Жавиди, Ж.Сабери-Наджаф, З.Б.Жафари, З.К.Эшкуватов, Ш.Н.Ҳусен, М.АЭл-Тawил, С.Кумар ва бошқалар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф4-28 «Гиперболик системалар учун адекват ҳисоблаш моделларини қуриш» мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади вазнли сингуляр ва гипер-сингуляр интеграл-ларни ҳисоблаш учун автоматик квадратур схемасини қуриш ва хатоликларини баҳолаш шунингдек сингуляр ва гипер-сингуляр интеграл тенгламаларнинг тақрибий ечимларини топиш методини ишлаб чиқиш ҳамда ночизиқли интегро-дифференциал тенгламалар учун гомотопик таҳлил қилиш усулининг янги ишланмасини яратиш ва ночизиқли интеграл тенгламалар системаси ҳамда кўп ўлчовли интеграл тенгламани тақрибий ечиш учун Ньютон-Канторович усулини ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўзгарувчан ва қўзғалмас оралиқлар бўйича вазнли сингуляр ва гипер-сингуляр интегралларнинг тақрибий ҳисоблаш учун автоматик квадратур схемасини қуриш ва турли синфларда автоматик квадратур схеманинг қолдиқ ҳадини баҳолаш;

Коши типидаги вазнли сингуляр интеграллар учун дискрет уюрмали методни модификация қилиш ва турли синфларда унинг баҳосини олиш;

биринчи ва иккинчи турдаги сингуляр ва гиперсингуляр интеграл тенгламаларни ечиш учун чекли Чебышев кўпҳадлар қаторининг тенглама ечимига яқинлашувларини асослаш ҳамда ядроли интеграллар учун Гаусс-Лежандр квадратур формуласини қуриш ва унинг қолдиқ ҳадини баҳолаш;

гомотопик таҳлил қилиш усулининг янги ишланмасини яратиш ва уни ночизиқли бошланғич қийматли интегро-дифференциал тенгламаларни ҳамда аралаш чегаравий шартларга эга каср тартибли интегро-дифференциал тенгламаларни тақрибий ечиш учун қўллаш ва унинг яқинлашишини таъминлаш;

такомиллаштирилган Ньютон-Канторивич усулинини 2×2 чизиқли бўлмаган интеграл тенгламалар системасига ва чизиқли бўлмаган кўп ўлчовли интеграл тенгламани тақрибий ечишга татбиқ этиш, шу билан бирга унинг вазнли Гильберт фазосида қолдиқ ҳадини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сингуляр ва гиперсингуляр интеграллар ва интеграл тенгламалар, ночизиқли интегро-дифференциал тенгламалар, интеграл тенгламалар системаси ва юқори ўлчовли интеграл тенгламалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети операторлар, квадратур формулалар, интерполяцион кўпҳадлар ва функциялар фазосидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари: Тадқиқот ишида, операторлар назарияси, гомотопия назарияси, квадратур формулалар назарияси, интерполяцион кўпҳадлар назарияси, функциялар фазоси назарияси, дискрет аргументли функциялар ва каср тартибли ҳосилалар назариясидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзгарувчан ва қўзғалмас оралиқларда вазнли сингуляр ва гипер-сингуляр интеграллар учун автоматик квадратур схемаси қурилган ва қўзғалмас оралиқда вазнли сингуляр интеграллар учун модификацияланган дискрет уйирмали усул ишлаб чиқилган;

вазнли Гильберт ва силлиқ функциялар фазоларида чегараланган ва чегараланмаган ечим ҳолатлари учун автоматик квадратур схемасининг яқинлашуви исботланган ва модификацияланган дискрет уйирмали усулнинг яқинлашувчанлиги Гёльдер ва силлиқ функциялар синфида исботланган;

биринчи турдаги сингуляр ва гиперсингуляр интеграл тенгламалар учун чекли Чебышев кўпҳадлари қаторининг аниқ ечимга яқинлашуви кўрсатилган ва 2-турдаги сингуляр интеграл тенгламалар учун чегарада чекли бўлган ечимлар ҳолати учун чекли Чебышев кўпҳадлари қаторининг аниқ ечимга яқинлашуви кўрсатилган.

чекли ечим ҳолатида, гиперсингуляр интеграл тенгламалар учун ечимнинг мавжудлиги, ягоналиги ва ҳосиласи Гёльдер синфида бўлган тақрибий ечимнинг меъёрий яқинлашуви исботланган;

гомотопияни таҳлил қилиш усулининг янги турдаги ишланмаси ишлаб чиқилган ва у чизиқли бўлмаган бошланғич шартли интегро-дифференциал тенгламаларни ва каср тартибли чегаравий масалали интегро-дифференциал тенгламаларни ечиш учун қўлланилган;

чизиқли бўлмаган интегро-дифференциал тенгламаларни ва каср тартибли интегро-дифференциал тенгламаларни ечимининг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган ҳамда гомотопияни таҳлил қилиш усули янги ишланмасининг яқинлашиши исботланган;

2×2 ночизиқли интеграл тенгламалар системаси учун такомиллаштирилган Ньютон-Канторович усули ишлаб чиқилган ва янги мажорант функциялар топилган ҳамда ечимнинг мавжудлиги, ягоналиги ва Ньютон-Канторович усулининг яқинлашиши исботланган;

ўзлаштирилган Ньютон усули ёрдамида ночизиқли кўп ўлчовли интеграл тенгламалар ечилган ҳамда вазнли Гильберт фазосида, ечимнинг мавжудлиги ва ягоналиги ҳамда таклиф этилган методнинг яқинлашиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вазнли регуляр ядроли интеграллар, сингуляр ва гипер-сингуляр интегралларни юқори аниқликда тақрибий ҳисоблаш учун қурилган автоматик квадратур схемаси жисмлар ёрилишида стресс интенсивлиги омилини юқори аниқликда ҳисоблашда фойдаланиш мумкин ҳамда сингуляр ва гипер-сингуляр интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш учун чекли сондаги Чебышев қаторининг яқинлашувини таминлаш кўплаб моделли масалаларни ечишда муҳим рол ўйнаши мумкин;

ночизиқли интегро-дифференциал тенгламалар ва каср тартибли интегро-дифференциал тенгламаларни тақрибий ечиш учун гомотопияни таҳлил қилиш усулининг янги ишланмаси кўплаб ночизиқли муаммаларни ечишда асқотиши мумкин ҳамда ночизиқли интеграл тенгламалар системаси ва кўп ўлчовли интеграл тенгламалар учун ишлаб чиқилган ўзлаштирилган Ньютон-Канторович усули кўплаб амалий аҳамиятга эга бўлган муаммоларда ва илдиз топилмалари назариясида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳисоблаш математикаси, математик таҳлил, функционал таҳлил, шунингдек, математик ҳисоблашнинг қатъийлиги ёрдамида асосланади. Барча хулосалар ва сонли натижалар дастурий ҳисоблаш томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда олинган натижаларнинг илмий аҳамияти амалиётда сингуляр ва гипер-сингуляр интеграллар, сингуляр ва гипер-сингуляр интеграл тенгламаларни тақрибий ҳисоблаш учун самарали квадратур формуласини қуриш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти самарали квадратур формула, гомотопияни таҳлил қилиш усули ва Ньютон-Канторович усулининг эластиклик назарияси, квант механикаси, аэродинамика, электрон оптика, тўлқин тарқалиши масалаларини ечишда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий этилган:

эгри ёриқлар муаммоси учун формулировка қилинган гипер-сингулар интеграл тенгламалар бўйича олинган натижалар (Journal of Eng. Math., Vol. 126(1), 4, 24 pages, 2021; Gongcheng Lixue/Engin. Mech., 37(6), pp. 34-41, 2020; Journal of Computational and Applied Mathematics, 343, pp. 520-538, 2018) хорижий илмий журналларда сув тўлқинининг тарқалиши, плиталарнинг ихтиёрий нуқтасида нормал тезликларнинг ифодаларини олишда ҳамда эгри ёриқ ичидаги стресс интенсивлиги омилини топишда қўлланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши ёриқнинг чегарасини баҳолаш имконини берган.

1-турдаги сингулар интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш учун таклиф қилинган Чебишев яқинлаштириш методи бўйича олинган натижалар (Superconductor Science and Technology, 34(6), paper ID: 065006, 2021; Studies in Systems, Decision and Control, Vol. 340, pp. 63-101, 2021; Journal of Mathematical Analysis and Application, 482(1), ID: 123530, 2020) хорижий илмий журналларда юқори ҳароратли ўта ўтказувчан динамолар моделида ва фазода Чебишев кўпҳадлари ёрдамида вақт бўйича интеграллаш учун чизиқлаштириш усулидан фойдаланиб, интегралнинг аниқ сонли усулини олишда ҳамда таклиф этилган рақамли усул ёрдамида транспорт оқими ва критик оқим зичлиги билан боғлиқ муаммоларни ечишда қўлланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши оқимларнинг зичлигини баҳолаш ва чегарасини аниқлаш имконини берган.

1-турдаги гипер-сингулар интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш учун таклиф қилинган Галёркин-Чебишев методи бўйича олинган натижалар

(Bulletin of the Iranian Mathematical Society, 46(3), pp. 799-814, 2020; Journal of Low-Frequency Noise Vibration and Active Control, 38(2), pp. 706-727, 2019; Journal of Computational and Applied Mathematics, Vol. 343, pp. 619-634, 2018) хорижий илмий журналларда турли типдаги гиперсингуляр интеграл тенгламаларни юқори аниқликда ечишда ҳамда сув тўлқинининг тарқалиши билан боғлиқ масалаларни ечишда қўлланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши сув тўлқинининг тарқалиши масаласини ечиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур диссертация тадқиқот натижалари 30 та халқаро илмий-амалий анжуманларда ва 3 та Ўзбекистон Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши: Диссертация мавзуси бўйича жами 57 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертацияларга доир илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 37 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши: Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертацияning асосий қисми 197 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Кириш қисмида, диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Бундан ташқари, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларнинг натижалари шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва тадбиқий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақидаги маълумотлар берилган.

1-БОБ (асосий натижалар): Вазнли юқори тартибли сингуляр интеграллар учун автоматик қуадратур схема ва унинг қолдиқ ҳадлари.

Ушбу бобда, Коши ва Адамар типидаги вазнли сингулар интегралларни юқори аниқликда тақрибий ечиш учун метод (Автоматик квадратур схема) таклиф қилинган ва унинг қолдиқ ҳадларининг турли синфда баҳоланиши кўрсатилган. Диссертациянинг 1-боби учта катта қисмдан иборат.

- **1-қисми** (1.3.1-1.3.6) Автоматик квадратур схема (АКС) ёрдамида Коши типидаги вазнли сингуляр интеграллар(СИ)ни яқинлаштириш ва уларнинг хатоликларини баҳолашга бағишланган.
- **2-қисми** (1.4.1-1.4.5) эса, асосан, Адамар типидаги вазнли сингуляр интеграллар (яъни гипер-сингуляр интеграллар (ГСИлар))ни АКС ёрдамида ҳисоблаш ва қолдиқ ҳадларини баҳолашга тааллуқлидир.

- **3-қисми** (1.5.1-1.5.4) Модификацияланган дискрет уюрмали метод ёрдамида Коши типидаги вазнли сингуляр интегралларни яқинлаш-тириш ва уларнинг хатоликларини баҳолашга қаратилган.

Энди вазнли СИлар ва ГСИларни умумий ҳолда кўриб чиқайлик (1.1-1.2):

$$H_r^{(p)}(h,y,z,c) = \frac{w_r(c)}{\pi}\int_y^z \frac{h(t)}{w_r(t)(t-c)^p}dt\,, \quad r = \{0,1,2,3,4\},\ p = \{1,2\} \tag{1.1}$$

бу ерда $c \in (-1,1)$ – сингуляр нуқта, $h(t)$ берилган $[-1,1]$ оралиқда етарлича силлиқ функция, y,z параметерлар $-1 \le y < z \le 1$ ва $w_r(t)$ вазн функцияси бўлиб қуйидагича аниқланади.

$$w_0(t) = 1, \quad w_r(t) = \frac{\lambda_r(t)}{\sqrt{1-t^2}}, \quad \lambda_r(t) = \begin{cases} 1-t^2, & r = 1, \\ 1, & r = 2, \\ 1-t, & r = 3, \\ 1+t, & r = 4. \end{cases} \tag{1.2}$$

Ушбу (1.1) да, $p = 1$ бўлса, $H_r^{(1)}(h,y,z,c)$ функция Коши типидаги сингуляр интеграл деб аталади, ва $p = 2$ да $H_r^{(2)}(h,y,z,c)$ функция Адамар типидаги сингуляр интеграл деб аталади. Агар $p > 2$ бўлса, у ҳолда у интеграл супер-сингуляр интеграллар деб аталади.

1-боб, 1.3-1.4 параграфларнинг асосий мақсади, ҳар бир $p = 1,2$ ва $r = 0,1,2,3,4$ қийматлари учун $[y,z]$ ўзгарувчи ва $[-1,1]$ ўзгармас оралиқлар учун автоматик квадратур схемани (АКС) қуриш ва унинг хатологини турли синфларда баҳолашдир.

1.5 параграф эса Коши типидаги СИларни ўзгармас оралиқда тақрибий ҳисоблаш учун модификацияланган дискрет уюрмали методни қуриш ва унинг хатолигини баҳолашга бағишланган.

1.3.1 параграфда қуйидаги кўринишдаги Коши типидаги вазнли сингуляр интегралларни қарайлик

$$C_r(h,y,z,c) = \frac{w_r(c)}{\pi}\int_y^z \frac{h(t)}{w_r(t)(t-c)}dt\,, \quad r = \{0,1,2,3,4\}, \tag{1.3}$$

Дастлаб Чебышев полиномларининг 4 хилини

$$P_{r,j}(t) = \begin{cases} T_j(t) = cos(j\theta),\ r = 1, \\ U_j(t) = \frac{sin((j+1)\theta)}{sin(\theta)},\ r = 2, \\ V_j(t) = \frac{cos((j+1/2)\theta)}{cos(\theta/2)},\ r = 3, \\ V_j(t) = \frac{sin((j+1/2)\theta)}{sin(\theta/2)},\ r = 4. \end{cases} \tag{1.4}$$

ва чекли сондаги Чебышев қаторини аниқлаб олайлик

$$S_{N,0}(t) = \sum_{k=0}^{N}{}' a_{k,0}T_k(t)\,,\ S_{N,r}(t) = \sum_{k=0}^{N}{}' a_{k,}P_{r,j}(t),\ r = 1,2,3,4, \tag{1.5}$$

бунда, штрих йиғиндидаги 1-ҳад иккига бўлинганини билдиради

Ушбу параграфда (1.3) сингуляр интеграллар учун ўзгарувчан оралиқ $[y,z]$ да, ҳар бир $r=0,1,2,3,4$ нинг қийматида АКС қурилган. Хусусан:

0 - ҳолат: $r=0$ да СИлар (1.3) учун АКС қуйидаги кўринишга эга:

$$Q_{N,0}(f,y,z,c)=\frac{1}{\pi}\left[\frac{1}{2}\sum_{k=0}^{N} B_{k,0}[T_k(z)-T_k(y)]+h(c)\ln\frac{z-c}{c-y}\right], \qquad (1.6)$$

бу ерда $T_k(t)$ (1.4) билан аниқланган бўлиб, $B_{k,0}$ коэффициентлар қуйидагича аниқланади:

$$B_{0,0}=\frac{b_{1,0}}{4},\ B_{k,0}=\frac{b_{k-1,0}-b_{k+1,0}}{2k},\ k=\{1,\dots,N\},\ b_{N,0}=b_{N+1,0}=0. \qquad (1.7)$$

ва $b_{k,0}$ учун уч диагоналли алгебраик тенгламалар системасига эга бўламиз:

$$b_{k-1,0}-2cb_{k,0}+b_{k+1,0}=2a_{k,0},\ \ k=1,2,\dots,N, b_{N,0}=b_{N+1,0}=0. \qquad (1.8)$$

(1.8) тенгламани ечиб $b_{k,0}(c)$ топилади, (1.7) дан $B_{k,0}(c)$ коэффициентлар топилгач (1.3) нинг тақрибий ечимларини (1.6) орқали ҳисоблаймиз.

1 - ҳолат: $r=1$ да (1.3) СИ учун қурилган АКС қуйидагича бўлади:

$$Q_{N,1}(h,y,z,c)=\frac{\sqrt{1-c^2}}{\pi}\cdot\left\{\left[\frac{b_{0,1}}{2}\text{arcsin}t\Big|_y^z-\sum_{k=1}^{N-1}\frac{b_{k,1}}{k}\sqrt{1-t^2}U_{k-1}(t)\Big|_y^z\right]\right.$$
$$\left.+\frac{h(c)}{\sqrt{1-c^2}}\ln\left|\frac{t\sqrt{1-c^2}-c\sqrt{1-t^2}}{\sqrt{1-c^2}+\sqrt{1-t^2}}\right|_y^z\right\} \qquad (1.9)$$

2 - ҳолат: $r=2$ учун АКС қуйидагича олинади

$$Q_{N,2}=\frac{1}{\pi\sqrt{1-c^2}}\cdot\left\{\frac{b_{0,2}}{2}\text{arcsin}t\Big|_y^z+\sum_{k=1}^{N-1}\left[\frac{b_{k-1,2}}{k+1}-\frac{b_{k+1,2}}{k+1}\right]\sqrt{1-t^2}U_k(t)\Big|_y^z\right.$$
$$\left.+h(c)\left[\left[\sqrt{1-t^2}-c\cdot arcsin t\right]_y^z\sqrt{1-c^2}\ln\left|\frac{t\sqrt{1-c^2}-c\sqrt{1-t^2}}{\sqrt{1-c^2}+\sqrt{1-t^2}}\right|_y^z\right]\right\}. \qquad (1.10)$$

3 - ҳолат: $r=3$ учун биз қуйидаги кўринишдаги АКС га эга бўламиз:

$$Q_{N,3}(h,c,y,z)=\frac{1}{\pi}\sqrt{\frac{1-c}{1+c}}\cdot\left\{b_{0,3}\text{arcsin}t\Big|_y^z-\sum_{k=0}^{N-1}\frac{1}{k+1}\left(b_{k,3}+b_{k+1,3}\right)\sqrt{1-t^2}U_k(t)\Big|_y^z\right.$$
$$\left.+h(c)\left[\text{arcsin}t\Big|_y^z+\sqrt{\frac{1+c}{1-c}}\ln\left|\frac{t\sqrt{1-c^2}-c\sqrt{1-t^2}}{\sqrt{1-c^2}+\sqrt{1-t^2}}\right|_y^z\right]\right\}. \qquad (1.11)$$

4 - ҳолат: $r=4$ учун АКС қуйидаги формада қурилган:

$$Q_{N,4}(h,c,y,z)=\frac{1}{\pi}\sqrt{\frac{1+c}{1-c}}\cdot\left\{b_{0,4}\text{arcsin}t\Big|_y^z-\sum_{k=0}^{N-1}\frac{1}{k+1}\left(b_{k,4}-b_{k+1,4}\right)\sqrt{1-t^2}U_k(t)\Big|_y^z\right.$$
$$\left.+h(c)\left[-\text{arcsin}t\Big|_y^z+\sqrt{\frac{1-c}{1+c}}\ln\left|\frac{t\sqrt{1-c^2}-c\sqrt{1-t^2}}{\sqrt{1-c^2}+\sqrt{1-t^2}}\right|_y^z\right]\right\}, \qquad (1.12)$$

бу ерда номаълум $b_{k,r}=b_{k,r}(c)$ коэффициентлар қуйидагича аниқланади:

$$b_{k-1,r}(c)-2cb_{k,r}(c)+b_{k+1,r}(c)=2a_{k,r}, \qquad k=1,2,\dots,N,$$
$$b_{N,r}(c)=b_{N+1,r}(c)=0, \quad r=1,2,3,4 \qquad (1.13)$$

бунда $a_{k,r}$ лар интерполяция шартларидан фойдаланган ҳолда топилади.

1.3.2 параграфда қўзғалмас $[-1,1]$ оралиқда қуйидаги кўринишдаги

$$C_r(h,c)=\frac{w_r(c)}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{h(t)}{w_r(t)(t-c)}dt\,,\ r=0,1,2,3,4,\ c\in(-1,1), \qquad (1.14)$$

бу ерда $w_r(t)$ (1.2) орқали аниқланган, вазнли СИлар учун АКС қурилган.

0 - ҳолат: ($r=0$) учун АКС қуйидаги кўринишда қурилган:

$$Q_{N,0}(h,c)=\frac{1}{\pi}\left[b_{0,0}(c)-\sum_{k=1}^{\left[\frac{N+1}{2}\right]-1}b_{2k,0}(c)\frac{2}{(2k)^2-1}+h(c)\ln\left|\frac{1-c}{1+c}\right|\right], \qquad (1.15)$$

(1.15) дан келиб чиқадики [-1,1] да АКСни ҳисоблаш жараёни йиғиндининг ярмига қисқаради ва бу ҳисоблаш вақтини тежашга ёрдам беради.

1-4 ҳолат: Бундай ҳолларда АКС қуйидаги кўринишда қурилган

$$C_r(h,c)=\frac{w_r(c)}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{h(t)}{w_r(t)(t-c)}dt\approx\frac{w_r(c)}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{S_{N,r}(t)}{w_r(t)(t-c)}dt=Q_{N,r}(h,c)$$

$$=\begin{cases}\sqrt{1-c^2}\sum_{k=1}^{N}a_{k,1}U_{k-1}(c), & r=1,\\ -\frac{1}{\sqrt{1-c^2}}\sum_{k=0}^{N}a_{k,2}T_{k+1}(c), & r=2,\\ \sqrt{\frac{1-c}{1+c}}\sum_{k=0}^{N}a_{k,3}W_k(c), & r=3,\\ -\sqrt{\frac{1+c}{1-c}}\sum_{k=0}^{N}a_{k,4}V_k(c), & r=4.\end{cases} \qquad (1.16)$$

1.3.3 параграфда таклиф этилган усулнинг афзалликларини кўрсатувчи кўплаб сонли натижалар олинган.

1.3.4 параграфда Коши типидаги вазнли сингуляр интеграллар учун қурилган АКС нинг қолдиқ ҳадини $r=\{0,1\}$ ҳолатлари учун баҳоланган. Чекли Чебышев қатори яқинлашиш хатолигини кўрсатиш учун функцияларнинг қуйидаги синфларини киритамиз.

- $H^{\alpha}([a,b],K)$ шундай функциялар синфики, $[a,b]$ оралиқда Гёльдер шартини, α индекси ва K доимийси билан қаноатлантиради.
- $C^{m,\alpha}[a,b]=\{f(t)\colon\ f^{(m)}\in H^{\alpha}([a,b],A_m)\}$.
- $L_{p,\mathrm{w}}=\left\{f(t)\colon\ \int_y^z w(t)|f(t)|^p dt<\infty\right\}$.
- Xatolikni baholashda quyidagi normalarni ishlatamiz. Фараз қилайлик $e_{N,r}(t)=h(t)-S_{N,r}(t)$, у ҳолда нормалар қуйидагича аниқланади

  L_p норма: $\|e_{N,r}\|_p=\left[\int_a^b w(t)\left|e_{N,r}(t)\right|^p dt\right]^{1/p}$,

  Чебышев норма: $\|e_{N,r}\|_C=max_{t\in[a,b]}\left|h(t)-S_{N,r}(t)\right|$.

Ушбу параграфда қурилган АКС учун қуйидаги теоремаларни исботладик.

Теорема 1.1 *Фараз қилайлик,* $h\in L_{2,w_0}[-1,1]$ *ва* $S_{N,0}(t)$ (1.5) *билан берилган бўлиб ушбу* $\omega_{N+1}(t)=2(t^2-1)U_{N-1}(t)$ *функциянинг нолларида яъни* $t_j=cos\left(\frac{\pi j}{N}\right), j=0,1,\cdots,N$ *аниқланган бўлсин. У ҳолда* (1.6) *билан аниқланган*

$Q_{N,0}(h,y,z,c)$ *квадратур қоида,* (1.3) *орқали аниқланган* $C_0(h,y,z,c)$ *сингуляр интегралга* L_{q,w_0} *нормада яқинлашади*

$$\left\|R_{N,0}(h,c)\right\|_q = \left\|C_0(h,y,z,c) - Q_{N,0}(h,y,z,c)\right\|_q \underset{N\to\infty}{\to} 0,$$

бу ерда $1 < q < \frac{p}{p_0}$ ва $p > p_0 > 1$.

Теорема 1.2. Фараз қилайлик, $h \in C[-1,1]$ *ва* $S_{N,1}(t)$ (1.5) *билан берилган бўлиб, ушбу* $\omega_{N+1}(t) = (1-t^2)U_{n-1}(t)$ *функциянинг нолларида аниқланган бўлсин. У ҳолда* (1.9) *билан аниқланган* $Q_{N,1}(h,y,z,c)$ *квадратур қоида,* (1.3) *билан аниқланган* $C_1(h,y,z,c)$ *га* L_{q,w_1} *нормада яқинлашади.*

$$\|R_{N,1}(h,c)\|_q = \|C_1(h,y,z,c) - Q_{N,1}(h,y,z,c)\|_q \to 0_{N\to\infty},$$

бу ерда $1 < q < \frac{p}{p_0}$ ва $p > p_o > 1$.

Теорем 1.3. *Фараз қилайлик,* $f(t) \in C^{N+1,\alpha}[-1,1]$, *ва* $S_{N,1}(t)$ (1.15) *билан берилган бўлиб, ушбу* $\omega_{N+1}(t) = (1-t^2)U_{n-1}(t)$ *функциянинг нолларида аниқланган бўлсин. У ҳолда* (1.16) билан аниқланган *АКС* ($r = 1$) *учун хатолик чегараси қуйидаги кўринишда бўлади:*

$$\left\|R_{N,1}(f,c)\right\|_C \le \frac{8A_1}{2^{N-1}N!}\left[1 + \frac{3.529}{\alpha ln(N+1)}\right]\frac{ln(N+1)}{N+1}.$$

Шундай қилиб, биз ўзгарувчан [*y,z*] ва қўзғалмас [-1,1] оралиқда Коши типидаги вазнли СИлар (1.14) учун АКС ни қурдик ва таклиф қилинган усулнинг турли функциялар синфларида яқинлашишини исботладик.

1.4.1-1.4.2 параграфларда умумий тушунчалар киритилгандан сўнг қуйидаги вазнли гипер-сингуляр интеграллар

$$H_r^{(2)}(h,y,z,c) = \frac{w_r(c)}{\pi}\int_y^z \frac{h(t)}{w_r(t)(t-c)^2}dt, \quad r = 0,1,2,3,4, \qquad (1.17)$$

учун АКС ўзгарувчан оралиқ $[y,z]$ да, ҳар бир $r = 0,1,2,3,4$ нинг қийматида қурилган. Хусусан:

0 - ҳолат, $r = 0$. Бундай ҳолда, АКС қуйидаги шаклда қурилган:

$$H_{N,0}(h,y,z,c) = \frac{1}{\pi}\left[\sum_{k=0}^{N}\frac{d}{dc}B_{k,0}(c)T_k(t)\Big|_y^z + h'(c)\ln\left|\frac{z-c}{y-c}\right|\right] + \frac{h(c)}{\pi}\frac{z-y}{(z-c)(y-c)} + R_{N,0}(c),$$

бу ерда $B_{k,0}(c)$ (1.5) орқали аниқланади.

1-4 ҳолатлар: ҳар бир $r = \{1,2,3,4\}$ қиймтида (1.9)-(1.12) тенгламаларни c га нисбатан дифференциаллаб, АКС қуйидаги шаклда қурилган:

$\boldsymbol{r = 1}$ **да**

$$H_{N,1}(h,y,z,c) = \frac{\sqrt{1-c^2}}{\pi}\frac{d}{dc}\left\{\left[\frac{b_{0,1}(c)}{2}\text{arcsin}t\Big|_y^z - \sum_{k=1}^{N-1}\frac{b_{k,1}(c)}{k}\sqrt{1-t^2}U_{k-1}(t)\Big|_y^z\right] + \frac{h(c)}{\sqrt{1-c^2}}\ln\left|\frac{t\sqrt{1-c^2}-c\sqrt{1-t^2}}{\sqrt{1-c^2}+\sqrt{1-t^2}}\right|_y^z\right\}.$$

$\boldsymbol{r=2}$ **да**

$$H_{N,2}(h,y,z,c)=\frac{1}{\pi\sqrt{1-c^2}}\frac{d}{dc}\cdot\left\{\frac{b_{0,2}(c)}{2}\text{arcsin}t\Big|_y^z\right.$$
$$+\sum_{k=1}^{N-1}\left[\frac{b_{k-1,2}(c)}{k+1}-\ \frac{b_{k+1,2}(c)}{k+1}\right]\sqrt{1-t^2}U_k(t)\Big|_y^z$$
$$+h(c)\left[\left[\sqrt{1-t^2}-c\cdot\text{arcsin}t\right]_y^z+\sqrt{1-c^2}\ln\left|\frac{t\sqrt{1-c^2}-c\sqrt{1-t^2}}{\sqrt{1-c^2}+\sqrt{1-t^2}}\right|_y^z\right]$$

$\boldsymbol{r=3,4}$ да (1.11) ва (1.12) ларни мос равишда дифференциаллаб АКС қурилган, бу ерда $b_{k,r}(c)$ коэффициентлар (1.13) орқали аниқланади.

1.4.3 параграфда қўзғалмас $[-1,\ 1]$ оралиқда вазнли ГСИлар (1.13) ва (1.14) ни мос равишда дифференциаллаб АКС қурилган.

Эслатма: ГСИлар учун АКСни қуриш жуда оддий, лекин [-1,1] оралиқнинг чегарасидаги ГСИнинг қиймати СИларнинг қийматидан кескин фарқ қилади.

1.4.4 параграфда қурилган АКС лар учун бир қанча сонли натижалар келтирилган сўнг, **1.4.5 параграфда** ГСИларнинг чегараланган ва чегараланмаган ечими учун хатоликлар баҳоланган. Бунинг учун хатолик функцияси керак бўлади. Фараз қилайлик,

$$E_{N,r}(h)=H_r(h,x)-H_{N,r}(h,x),\ \ r=\{1,2,3,4\}$$

бўлсин. Асосий натижалар қуйидаги теорема келтирилган.

Теорема 1.4. Фараз қилайлик, $0<\alpha\le 1$ учун $h(t)\in C^{N+1,\alpha}[-1,1]$ *ва Чебышев полиномларининг қирқилган қатори* $S_{N,r}(t)$, $r=\{1,2\}$ *бўлсин. Уҳолда АКС (1.17) хатолиги қуйигича бўлади.*

$$\|E_{N,r}(h)\|_C\le\begin{cases}\dfrac{2.12Mln(N)}{2^{N-2}(N-2)!}\left[1+\dfrac{3.12}{6ln(N)}\right], & r=1,\\[2mm] \dfrac{3.38M}{2^{N-2}(N-2)!}\left[1+\dfrac{0.63}{N}L_{1N}+\dfrac{4.19}{N+1}\right], & r=2.\end{cases}$$

бунда $L_{1N}=1+\frac{1.21}{N}+\frac{3.35}{N+1}$, $M=max\{M_1,M_2\}$ *бунда* M_1,M_2 *лар ўзгармаслар.*

1.5.1-1.5.2 параграфда Коши типидаги вазнли СИлар учун дискрет уюрмали усулининг янги модификацияси (МДУМ) ишлаб чиқилган. Бунинг учун қуйидаги вазнли сингуляр интегралларни кўриб чиқилган.

$$I_1(f,x)=\frac{w_1(x)}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{f(t)dt}{w_1(t)(t-x)},$$
$$I_i(f,x)=I_1(f,x)+Q_i(f,x),\ \ \ i=\{2,3,4\}$$

бу ерда

$$Q_i(f,x)=\frac{(-1)^i}{\pi}w_i(x)\int_{-1}^{1}\frac{f(t)dt}{\sqrt{1-t^2}},\ i=\{2,3\},$$
$$Q_4(f,x)=-\frac{1}{\pi}w_4(x)\int_{-1}^{1}\frac{g(x,t)dt}{\sqrt{1-t^2}},\ g(x,t)=(x+t)f(t),$$

ва $w_1(x)=\sqrt{1-x^2},\ w_2(x)=\sqrt{\frac{1-x}{1+x}},\ w_3(x)=\sqrt{\frac{1+x}{1-x}},\ w_4(x)=\frac{1}{\sqrt{1-x^2}}$.

Ушбу параграфда, МДУМ ва чизиқли интерполяцион сплайн бирлаштириб, иккита янги КФлар қурилган. Биринчи гуруҳ КФлар $Q_i(f,x)$ лар учун ва иккинчи гуруҳ КФлар $I_i(f,x)$ лар учун. Бунинг учун фараз қилайлик, $t_k=-1+kh, h=2/(N+1)$ ва $E=\{t_k,k=1,\dots,N\}$ лар $[-1,1]$ оралиқнинг каноник бўлиниши бўлсин, у ҳолда $x=t_j+\varepsilon, j=1,\dots,N-1$ да $I_1(f,x)$ функция учун КФлар қуйидаги кўринишда қурилган:

$$I_1(f,x)\cong\widetilde{I_{N,1}}(f,x)=\left(\sum_{k=1}^{j-2}+\sum_{k=j+3}^{N}\right)A_k^{(1)}(x)\varphi(t_k)+\sum_{\nu=j-1}^{j+2}A_\nu^{(1)}(x)f(x_\nu)$$
$$+A_0^{(1)}(x)f(-1)+A_{N+1}^{(1)}(x)f(1), \qquad (1.18)$$

бу ерда $\varphi(t)=f(t)-\frac{1}{2}[(1-t)f(-1)+(1+t)f(1)$, $A_k^{(1)}$ va $B_k^{(1)}$ коэффициентлар (1.19) даги СИларни баҳолаш орқали ҳисобланади. Бинобарин, $x=t_j+\varepsilon, j=1,\dots N-1$ да СИлар (1.20) учун КФлар қуйидагича

$$I_i(f,x)\cong\widetilde{I_{N,\iota}}(f,x)=\left(\sum_{k=1}^{j-2}+\sum_{k=j+3}^{N}\right)\left(A_k^{(1)}(x)\varphi(t_k)+\frac{(-1)^i}{\pi}w_i(x)a_i(x,t_k)C_kf(t_k)\right)$$
$$+\left(A_0^{(1)}(x)+\frac{(-1)^i}{\pi}w_i(x)a_i(x,-1)C_0\right)f(-1)+\left(A_{N+1}^{(1)}(x)+\frac{(-1)^i}{\pi}w_i(x)a_i(x,1)C_{N+1}\right)f(1)$$
$$+\sum_{\nu=j-1}^{j+2}\left(A_\nu^{(1)}(x)+\frac{(-1)^\nu}{\pi}w_\nu(x)a_i(x,t_\nu)C_\nu\right)f(t_\nu),\ i=\{2,3,4\}, \qquad (1.19)$$

бу ерда $a_2(x,t)=a_3(x,t)=1,\ a_4(x,t)=-(x+t)$, ва C_k коэффициентлар $Q_i(f,x)$ ни ҳисоблаш йўли орқали топилади.

1.5.3 параграфда модификацияланган дискрет айирмали усулнинг хатолиги қуйидаги теоремаларда исботланган.

Теорема 1.5. Фараз қилайлик, $f(t)\in C([-1,1])$, *ва* E $[-1,1]$ *оралиқнинг каноник қисмлар тўплами бўлсин, у ҳолда* (1.17) *ва* (1.18) *нинг хатоси*

$$\left\|R_N^{(1)}(f,x)\right\|_C\le\begin{cases}L_1h^\alpha\, ln(N+1), & f(t)\in H^\alpha([-1,1],A),\\ L_2h\, ln(N+1), & f(t)\in C^1([-1,1]),\end{cases}$$

бу ерда L_1, L_2 *ўзгармас сонлар.*

Теорема 1.6. Фараз қилайлик, $f(t)\in C([-1,1])$ *ва* E $[-1,1]$ *оралиқнинг каноник қисмлар тўплами бўлсин, у ҳолда* (1.17) *ва* (1.18) *КФларнинг хатоси қуйидагича:*

$$R_N^{(i)}(f,x\le\begin{cases}L_1h^\alpha\, ln(N+1)+\dfrac{d_i\bar{A}_i}{2^\alpha}w_i(x)h^\alpha,\ \ when\ \ f(t)\in H^\alpha([-1,1],A),\ \ i=\{2,3,4\},\\ `L_2h\, ln(N+1)+\dfrac{d_i\bar{M}_i}{2}w_i(x)h,\ \ when\ \ f(t)\in C^1([-1,1]),\ \ i=\{2,3,4\},\end{cases}$$

бу ерда $d_2=d_3=1, d_4=3, \underline{A}_2=\underline{A}_3, \underline{M}_2=\underline{M}_3$, va L_1,L_2 доимийдир.

1.5.4 параграфда модификацияланган ДУМнинг афзаллигини кўрсатувчи кўплаб сонли натижалар олинган.

2-БОБ (асосий натижалар): Биринчи ва иккинчи тур сингуляр ва гипер-сингуляр интеграл тенгламамлар учун тақрибий методлар.

Ушбу бобда, p-тартибли сингуляр интеграл тенгламаларнинг умумий тарифидан сўнг, биринчи тур Коши ва Адамар типидаги сингулар интеграл тенгламаларни юқори аниқликда ечиш учун тақрибий метод (Чебышев аппрокцимация методи) таклиф қилинган ва унинг қолдиқ ҳадларининг турли синфда баҳоланиши кўрсатилган. Диссертациянинг 2-боби асосан учта катта қисмдан иборат.

- **1-қисми** (2.1-2.3) p-тартибли сингуляр интеграл тенгламалар (СИТлар) нинг умумий тафсифидан сўнг, (2.4.1-2.4.2) 1-тур СИТларнинг тақрибий ечимини топиш, таҳлил этиш ва сонли натижаларга бағишланган.
- **2-қисми** (2.4.3-2.4.6) эса, асосан, Адамар типидаги гипер-сингуляр интеграл тенгламалар (ГСИТлар)нинг тақрибий ечимини топиш, таҳлил этиш, хатолигини баҳолаш ва сонли натижаларга бағишланган.
- **3-қисми** (2.5.1-2.5.2) асосан 2-тур СИТларни тақрибий ечиш, таҳлил этиш ва сонли натижаларга бағишланган.

2.1-2.3 параграфда p-тартибли биринчи тур СИТларнинг умумий тавсифи, қўшимчалар ва янги қурилган КФлар ҳақида малумотлар берилган.

2.4 параграфда эса қуйидаги p-тартибли 1-тур умумий СИТлар кўриб чиқилган ва умумий кўринишдаги ечимлари тавсиф қилинган

$$\frac{1}{\pi}\int_{-1}^{1}\varphi(t)\left[\frac{K(x,t)}{(t-x)^p}+L_1(x,t)\right]dt=f(x),\ \ p=\{1,2,\cdots\},-1<x<1, \quad (2.1)$$

бу ерда x сингуляр нуқта, $K(x,t), L_1(x,t)$ ва $f(x)$ ҳақиқий қийматли узлуксиз функциялар бўлиб, $\varphi(t)$ аниқланиши керак бўлган функциядир.

Фараз қиламиз, (2.1) тенгламадаги $K(x,t)$ ядро D=[-1,1]×[-1,1] соҳанинг диагоналида доимий бўлсин. У ҳолда, ядрони қуйидаги кўринишда оламиз:

$$K(x,x)=c_0\neq 0. \quad (2.2)$$

(2.2) шартни ҳисобга олиб, (2.1) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\frac{c_0}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{\varphi(t)}{(t-x)^p}dt+\frac{1}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{Q_1(x,t)\varphi(t)}{(t-x)^{p-1}}dt+\frac{1}{\pi}\int_{-1}^{1}L_1(x,t)\varphi(t)dt=f(x), \quad (2.3)$$

бу ерда $-1<x<1$ va $Q_1(x,t)=\frac{K(x,t)-K(x,x)}{t-x}$.

Асосий мақсад $p=\{1,2\}$ қийматлари учун (2.3) тенгламанинг тўрт хил ечимини топишдир. Бунинг учун ечимни қуйидаги кўринишда қидирамиз.

$$\varphi(x)=w_r(x)u(x),\quad r=\{1,2,3,4\}, \quad (2.4)$$

бу ерда $w_i(x), i=\{1,2,3,4\}$ (1.2) орқали аниқланган. (2.4) ни (2.3) га қўйиш орқали қуйидаги оператор кўринишдаги тенгламани оламиз.

$$H_{p,r}u+C_{p,r}u+L_ru=f,\quad p=\{1,2\},\ \ r=\{1,2,3,4\}, \quad (2.5)$$

бу ерда $f\in L_{2\rho},\quad u\in L_{1\rho}$, ва $L_{2\rho}$ ($L_{1\rho}$) фазолари 2.4.4 - параграфда аниқланган ва операторлар қуйидагича аниқланади:

$$H_{p,r}u=\frac{c_0}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{w_r(t)}{(t-x)^p}\,u(t)dt,$$
$$C_{p,r}u=\frac{1}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{w_r(t)Q_1(x,t)}{(t-x)^{p-1}}\,u(t)dt, \tag{2.7}$$
$$L_ru=\frac{1}{\pi}\int_{-1}^{1}w_r(t)L_1(x,t)u(t)dt.$$

Шундай қилиб, келгуси параграфларда $p=\{1,2\}$ нинг қиймати учун $r=\{1,2,3,4\}$ нинг ҳар бир ҳолатида (2.6) тенгламанинг тақрибий ечимини топамиз.

2.4.1 параграфда биринчи тур сингуляр интеграл тенгламаларнинг тақрибий ечими топилган. Бунинг учун $p=1$ бўлсин, у ҳолда (2.6)-(2.7) нинг оператор кўринишдаги тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$C_{1,r}u+L_ru=f,\quad r=\{1,2,3,4\},\quad f\in L_{2\rho},\quad u\in L_{1\rho}, \tag{2.8}$$

бу ерда

$$C_{1,\mathrm{r}}u=\frac{c_0}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{w_r(t)}{(t-x)}u(t)dt,\ L_ru=\frac{1}{\pi}\int_{-1}^{1}w_r(t)L(x,t)u(t)dt$$
$$L(x,t)=Q_1(x,t)-L_1(x,t),\ Q_1(x,t)=\frac{K(x,t)-K(x,x)}{t-x} \tag{2.9}$$

(2.8) тенгламанинг тақрибий ечимини топиш учун номаълум функция $u(t)$ ни қуйидаги кўринишда яқинлаштирамиз:

$$u(t)\cong u_{n,r}(t)=\sum_{j=0}^{n}b_{j,r}P_{j,r}^*(t),\quad r=\{1,2,3,4\}, \tag{2.10}$$

бу ерда $P_{j,r}^*(t)$ қуйидагича аниқланади.

$$P_{j,r}^*(t)=\begin{cases}U_j(t)=\cos(j\theta), & r=1,\\ T_j(t)=\frac{\sin((j+1)\theta)}{\sin(\theta)}, & r=2,\\ W_j(t)=\frac{\sin((j+1/2)\theta)}{\sin(\theta/2)}, & r=3,\\ V_j(t)=\frac{\cos((j+1/2)\theta)}{\cos(\theta/2)}, & r=4.\end{cases}$$

(2.10) тенгламани (2.8) га қўйсак, қуйидаги тенглама ҳосил бўлади.

$$\sum_{j=1}^{n}b_{j,r}\left[\frac{c_0}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{w_r(t)}{(t-x)}P_{j,r}^*(t)dt+\frac{1}{\pi}\int_{-1}^{1}w_r(x)L(x,t)P_{j,r}^*(t)dt\right]$$
$$+b_{0,r}\left[\frac{c_0}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{w_r(t)}{(t-x)}\,dt+\frac{1}{\pi}\int_{-1}^{1}w_r(x)L(x,t)\,dt\right]=f(x). \tag{2.11}$$

Ушбу белгилашни киритиб:

$$G_{j,r}^*(x)=\frac{1}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{w_r(t)}{(t-x)}P_{j,r}^*(t)dt=\begin{cases}U_{j-1}(x), & r=1,\\ -T_{j+1}(x), & r=2,\\ W_j(x), & r=3,\\ -V_j(x), & r=4.\end{cases}\quad h_r(x)=\frac{1}{\pi}\int_{-1}^{1}\frac{w_r(t)}{(t-x)}\,dt=\begin{cases}0, & r=1,\\ -x, & r=2,\\ 1, & r=3,\\ 1, & r=4\end{cases}$$

қуйидаги тенгламани оламиз:

$$\sum_{j=1}^{n}b_{j,r}\left[c_0\,G_{j,r}^*(x)+\psi_{j,r}^*(x)\right]+b_{0,r}\left[c_0h_r(x)+\psi_{0,r}^*(x)\right]=f(x), \tag{2.12}$$

